

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВ ОЙБЕК ТУРАЕВИЧ**

**ОҒИР КУЙГАН БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗ СИСТЕМАСИНING**  
**БУЗИЛИШИГА ЭРТА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНING**  
**ТАЪСИРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Юнусов Ойбек Тураевич**

Оғир куйган беморларда гемостаз системасининг бузилишига эрта хирургик даволаш тактикасининг таъсири..... 3

**Юнусов Ойбек Тураевич**

Влияние тактики раннего хирургического лечения на нарушения системы гемостаза у больных с тяжелыми термическими ожогами..... 25

**Yunusov Oybek Turayevich**

The influence of early surgical treatment tactics on hemostatic system disorders in patients with severe thermal burns ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of pulished works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВ ОЙБЕК ТУРАЕВИЧ**

**ОҒИР КУЙГАН БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗ СИСТЕМАСИНING**  
**БУЗИЛИШИГА 4ЭРТА ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНING**  
**ТАЪСИРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3077 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Рузибоев Санжар Абдусаломович</b> тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эшонходжаев Отабек Джраевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Зиновьев Евгений Владимирович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>В.И. Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Н. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.В. Шмырина**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Б. Курбаниязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт

**КИРИШ ((PhD) фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда куйиш ва куйиш касаллиги барча жароҳатларнинг аксарият қисмини ташкил этиб, гемостаз бузилиши кўпчилик беморларда куйиш касаллигининг кечишини оғирлаштириб ўлим сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса тана юзасидаги чуқур куйишларда сепсиснинг эрта ривожланиш хавфи юқори бўлади. «... Барча жароҳат турлари ичида куйишнинг учраш суръати 10-12% ни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Бу вақтда оғир куйганлар ичида ўлим ҳаттоки, ихтисослаштирилган стационарларда ҳам юқори кўрсаткичларда бўлади ва унинг босқичларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ўлганларнинг энг юқори улуши (65 дан 95% гача) токсемия ва септикотоксемия босқичларига тўғри келади. Куйиш касаллигида ўлимнинг бевосита сабаблари доимий бўлиб, булар сепсис, пневмония, қоннинг диссеминациялашган томиричи куюлиши (ҚДТҚ -синдроми) ва уларнинг фонида ривожланган полиорган етишмовчилигидир (ПОЕ). Комбустиологияда куйиш билан кўп сонли беморларни даволашда тажриба етарли даражада бўлишига қарамасдан, аксарият беморлар инвалид бўлиб қолади, шунинг учун ҳам улар жиддий тиббий ва социал муаммони касб этади. Тиббиёт амалиётига арзон, импорт ўрнини босувчи, ножўя таъсирга эга бўлмаган, қон тўхтатувчи ва жароҳат битишига самарали таъсир этувчи маҳаллий хом ашёдан олинадиган препаратларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Комбустиологияда дунё миқёсида аутодермопластикадан сўнг шикастланган ўчоғдаги эпителиоцитларда регенерациянинг реператив жараёнларини кучайтирувчи, қон тўхтатувчи таъсирга эга имплантларни яратиш ва қўллаш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда гемостазни кўчайтирувчи, некрэктомия ва аутодермопластика вақти қон кетишни камайтирувчи, шикастланган соҳада эпителизация жараёнини кўчайтирувчи биосинтетик ва синтетик плёнкали қопламаларни ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга тадбиқ этиш долзарб ҳисобланади. Улар ўртасида юқори гемостатик таъсирга эга карбоксиметилцеллюлоза асосидаги биоқоплама ҳисобланиб, уни маҳаллий дори воситаси сифатида қўллаш имконияти мавжуд. Шу билан боғлиқ ҳолда оғир термик жароҳат билан шикастланганларда некрэктомия ва аутодермопластика пайти қўллаш самарадорлигини баҳолаш, юқори терапевтик самарадорликга эга бўлган гемостабилизацияловчи қоплама яратиш бўйича илмий тадқиқоқ олиб борилмоқда. Чуқур куйганларда аутодермопластика пайти махсус мўлжалланган биодеградацияловчи гемостабиллаштирувчи қопламаларни яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва қўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг қўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш,

<sup>1</sup> Хаджибаев А.М. ҳаммуаллифлар., 2018; Карабаев Х.К. ҳаммуаллиф., 2019; Dunn K. W., 2019

тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»<sup>2</sup>. каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Чет эл олимлари томонидан куйиш касаллигининг ҳар хил босқичларида ҚДТҚ –синдроми молекуляр ривожланиш механизми, уни баҳолаш критериялари, коррекция усуллари, гемостаз кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи ҳар хил дори воситаларини яратиш, некрэктомия ва аутодермопластика вақти ва чуқурлиги ҳамда регенацияни репаратив жараёнларини фаоллаштирувчи препаратларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу йўналишда қўйидаги чет эл олимлари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Chen Z.H. et. al. 2017, Serio-Melvin M.L. et. al. 2017, Barret P. 2020, Marsden N.J. et. al. 2017, Glas G.J. et. al. 2016). Карбоксиметилцеллюлоза асосида биодеградацияловчи гемостабиллаштирувчи қопламаларни яратишда фаол равишда тадқиқотлар олиб борилмоқда, уларнинг биологик жиҳатдан активлиги аниқланган. Ушбу йўналишда чет эл олимлари томонидан карбоксиметилцеллюлоза асосидаги фермент сақловчи гелли препаратларни синтези, тромбостатик хирургияда целлюлозани оксидланган формаларини қўллаш, ҳар хил плёнка кўринишидаги қопламаларни гемостатик самарадорлигини ультраструктураси ва морфологик анализлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ривожлантирилмоқда (Tanaka Y. et al. 2016).

Охирги йилларда табиий биодеградацияловчи бирикмаларга, хусусан, целлюлозадан олинадиган ҳосилаларга нисбатан катта эътибор қаратилмоқда. Локал аппликацион гемостатик воситаларни қўлланиш самарадорлиги, оксидланган целлюлоза асосида маҳаллий таъсир этувчи гемостатик материал яратиш ва уларни ҳар хил патологик ҳолатларда қўллаш кабиларни ўрганишмоқда (Липатов В.А. ва б. 2016, Таркова А.Р. ва б. 2015).

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Бизнинг давлатимизда академик В. Вохидов номидаги РИХИАТМ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги химия ва физика илмий-текшириш маркази билан ҳамкорликда целлюлозадан олинадиган ҳосилалардан олинган гемостатик таъсирга эга биодегидрацияловчи Хемобен препарати ва қопламаси яратилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан рўйхатга олинган (2022 йил 4 март, гувоҳнома ТВ/М 00539/03/02). Ушбу қоплама ўзининг юқори ёпишқоқлик хусусияти боис жигарнинг ҳўл юзасига 5-7 дақиқа ичига ёпишиб қолиб қон кетишини тўхтатади, қопламанинг тиниқлиги эса жароҳат юзасидан визуал кузатиш имконини беради. У етарли даражада мустаҳкам, жигар жароҳати қирраларини етарли даражада ушлаб туради ва қайта қон кетишни олдини олади. Аммо, гемостазга таъсир этувчи механизми, некрэктомия ва аутодермопластикада қўллаш имконияти охиригача ўрганилмаган, шу сабаб бу препаратни молекуляр механизм таъсирини комплекс равишда ўрганиш зарурияти туғилади. Бунақа тадқиқотлар эса куйишни даволашда янги, юқори самарали дори воситаларини яратишда муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар Самарқанд Давлат медицина университети илмий лойҳаси асосида ҳамда академик В.Вохидов номидаги “РИХИАТМ” экспериментал лабораториясида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** куйиш касаллигининг босқичлари бўйича гемостаз системаси ҳолатини ўрганиш ва ҚДТҚ–синдроми лаборатор диагностикасини такомиллаштириш ҳамда гемостатик Хемобен препаратини қўллаш орқали даволаш самарадорлигини яхшилашдан иборат бўлган.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

куйиш шоки, куйишнинг ўткир токсемия ва септикотоксемия босқичларида гемостаз системасининг коагуляцион, антикоагулянт ва фибринолитик бўғинлари ҳолатини баҳолаш;

ҚДТҚ –синдроми эрта диагностикаси ва полиорган етишмовчилиги ривожланишини аниқлаш мақсадида қўлланиладиган гемостаз системасини текшириш тестларини информативлик қийматини аниқлаш;

кичик лаборатор ҳайвонларда чуқур куйишнинг экспериментал моделини ишлаб чиқиш ва термик куйиш моделида «Хемобен»нинг гемостатик таъсир механизминини аниқлаш;

беморларда катта майдонли чуқур куйишларни хирургик даволашда гемостатик «Хемобен» препаратини қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** академик В.Вохидов номидаги “РИХИАТМ” ҳамда Химия ва физика полимерлар илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан карбоксиметилцеллюлоза асосида яратилган ўзимизнинг янги Хемобен гемостатик қопламаси, ҳамда 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда РШТЁИМ Самарқанд филиалининг комбустиология бўлимида даволанган термик куйиш билан жароҳатланган 102 беморлар маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида чуқур куйишларда қоннинг ивиш тизими кўрсаткичларини бузилиши ва фибринолитик фаолликни аниқлаш, Хемобеннинг гемостатик ва адгезив хусусиятларини аниқлаш мақсадида шикастланган жойдан олинган ультра юпқа қирқим, шикастланиш оқибатида ўлганларнинг аъзо ва тўқималари, бемор ва ҳайвонларнинг қон ва қон зардоблари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажариш мобайнида тадқиқот вазифаларига мос равишда *in vitro* ва *in vivo* шароитида биохимик, гемостазиологик, морфологик, планиметрик ва статистик текшириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янглиги** қўйидагилардан иборат:

чуқур куйишларда қоннинг ивиш тизими кўрсаткичларининг бузилиши ва фибринолитик фаолликнинг пасайиши кузатилади, ушбу ҳолатлар куйиш шоки даражаси ва куйиш касаллигининг босқичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳисобига вужудга келиб, улар ҚДТҚ–синдроми ривожланишига сабаб бўлиши исботланган;

куйиш жароҳати таъсирида ўлганларда ҚДТҚ–синдромининг морфологик кўриниши кўпинча носпецифик плазмали коагуляция кўринишида ва ички аъзолар микроциркулятор оқимларида фибринли микротромбларни, айниқса буйраклар → ўпкалар → жигар → бош мия → меъда ости безида ҳосил бўлиши аниқланган;

тажриба ҳайвонларининг термик жароҳатларига Хемобен препаратини бирламчи тангенциал некрэктомия ва аутодермопластикадан сўнг қўллаш гемостазни тўлиқ таъминлаши, куйиш интоксикациясининг клиник белгилари тезроқ енгиллашиши ва тери чўлтоқларининг яхши реваскуляризациясига олиб келиши исботланган;

Хемобенни беморларда эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, натижада куйиш касаллиги йўналишининг ўзгариши ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқариши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

оғир куйишларда гемостазиологик асоратларни аниқлаш мақсадида тавсия этиладиган интеграл кўрсаткичлар клиницистларга ҚДТҚ–синдроми экспресс-диагностикасини аниқлаш ва ўз вақтида адекват терапия қўллаш имкониятини туғдиради, ҳамда патологик жараённинг салбий оқибатларини камайтирган;

карбоксиметилцеллюлоза асосида тайёрланган кукун ва қопламаниннг гемостатик хусусияти мавжудлиги, унинг таъсир механизми ички ва ташқи коагуляцион гемостаз йўлини фаоллашуви билан боғлиқлиги, гипофибринемия шароитида фибриноген миқдорини ошиши билан исботлаб берилган;

термик травма билан жароҳатланганларда аутодермопластика пайти Хемобен гемостатик препаратини некрэктомиядан сўнг бир маротаба маҳаллий қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган; у тўлиқ гемостазни таъминлаши, жароҳатдаги оғриқларни камайтириши, трансплантатни эрта

адгезияланишини, тери парчаларини тезликда ва тўлиқ битишини таъминлаши асослаб берилган.

Хемобенни қўллаш эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, куйиш касаллиги йўналишини ўзгартириш ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқаради, инфекция асоратлар сони ва ўлим фоизи камайган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Илмий тадқиқотнинг илмий аҳмияти чуқур термик травмаларда гемостаз тизимининг оғир ва хавфли бузилиши бўлмиш ҚДТҚ–синдромини ривожланиш механизмларини ёритиш; кичик лаборатор ҳайвонларда куйишнинг стандарт моделини яратиш усули ишлаб чиқиш билан изоҳланган. Қурилма ҳайвоннинг териси билан контакт вақтида ҳарорат доимийлигини таъминлайди, таъсир вақтини аниқ қайд этади, майдони ва даражаси бўйича айнан ўхшаш куйиш жароҳатини қайта яратиш имконини берган. Куйишда гемостаз кўрсаткичларини тикловчи янги Хемобен полимер препарати яратилди, унинг қон тўхтатувчи ва адгезив таъсир механизмлари аниқланган.

Оғир куйишларда гемостазиологик асоратларни аниқлаш мақсадида тавсия этилган интеграл кўрсаткичлар клиницистларга ҚДТҚ–синдроми экспресс-диагностикасини аниқлаш имконини беради, у ўз вақтида адекват терапия қўллаш имкониятини туғдиради ва патологик жараёни салбий оқибатлари ҳавфини камайтиради. Хемобенни оғир куйиш жароҳати мавжуд беморларда некрэктомия ва аутодермопластика пайтида қўллаш қон кетишини камайтириш, куйишда эрта хирургик даволашни бошлаш имконини беради ва уларнинг самарадорлигини оширади. Комбустиологиянинг клиник амалиётига ушбу препаратни киритиш терини термик шикастланишини хирургик даволаш самарадорлигини оширади, даволашнинг таннархини пасайтиради ва импорт ўрнини босувчи препарат ҳисобланади. Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратни яратилиши Республикамизда дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариш дастурини бажариш имконияти яратган.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Оғир куйган беморларда гемостаз системасининг бузилишига эрта хирургик даволаш тактикасининг таъсири бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Биринчи илмий янгилик: чуқур куйишларда қоннинг ивиш тизими кўрсаткичларининг бузилиши ва фибринолитик фаолликнинг пасайиши кузатилади, ушбу ҳолатлар куйиш шоки даражаси ва куйиш касаллигининг

босқичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳисобига вужудга келиб, улар ҚДТҚ–синдроми ривожланишига сабаб бўлиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: оғир куйишларда гемостазиологик асоратларни аниқлаш мақсадида тавсия этиладиган интеграл кўрсаткичлар клиницистларга ҚДТҚ–синдроми экспресс-диагностикасини аниқлаш ва ўз вақтида адекват терапия қўллаш имкониятини туғдиради, ҳамда патологик жараённинг салбий оқибатларини камайтирилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 04 декабрдаги 124-сонли хулоса билан тасдиқланган «Оптимизация диагностики и лечения нарушений системы гемостаза при ожоговой болезни» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадаре филиали 18.05.2024 й. № 62-Т буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 28.05.2024 й. 1367-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: чуқур куйишларда қоннинг ивиш тизими кўрсаткичларининг бузилиши ва фибринолитик фаолликнинг пасайиши кузатилади, ушбу ҳолатлар куйиш шоки даражаси ва куйиш касаллигининг босқичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳисобига вужудга келиб, улар ҚДТҚ–синдроми ривожланишига сабаб бўлиши, тажриба ҳайвонларининг термик жароҳатларига Хемобен препаратини бирламчи тангенциал некрэктомия ва аутодермопластикадан сўнг қўллаш гемостазни тўлиқ таъминлаши, куйиш интоксикациясининг клиник белгилари тезроқ енгиллашиши ва тери чўлтоқларининг яхши ревазуляризациясига олиб келиши исботланган. Хемобенни беморларда эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, натижада куйиш касаллиги йўналишининг ўзгариши ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқариши исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: куйишда гемостаз кўрсаткичларини тикловчи янги Хемобен полимер препарати яратилиши, унинг қон тўхтатувчи ва адгезив таъсир механизмлари ҳисобига даволаш натижалари яхшилиниши боис сарф харажатлар 1 бемор ҳисобига 375 000 сўм (фақат Хемобенни қўллаш ҳисобига), қўшимча дори-дармонлар эса 780 000 сўмга иқтисод қилинган. Хулоса: куйиш касаллигининг ўткир даврида ҚДТҚ-синдроми тромбоцитопения, ЭФМК миқдорининг ўсиши гемостаз тизимининг ивишга қарши механизмларини пасайиши фонида кузатилади. Токсемия ва септикотоксемия босқичларида қоннинг ивиш, плазмани рекальцификация вақти, ҚФТВ, протромбин ва тромбин вақти қисқаради, АТ-III концентрацияси кескин камаяди, фибриноген концентрацияси 2,5 мартадан кўпроқ ошади. Қон ивиш жараёнининг тезлашиши ташқи ва ички механизм томонидан амалга оширилади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Оғир куйган беморларда гемостаз системасининг бузилишига эрта хирургик даволаш тактикасининг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа

соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6123-сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: куйиш жароҳати таъсирида ўлганларда ҚДТҚ–синдромининг морфологик кўриниши кўпинча носпецифик плазмали коагуляция кўринишида ва ички аъзолар микроциркулятор оқимларида фибринли микротромбларни, айниқса буйраклар → ўпкалар → жигар → бош мия → меъда ости безида ҳосил бўлиши аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: карбоксиметилцеллюлоза асосида тайёрланган кукун ва қопламанинг гемостатик хусусияти мавжудлиги, унинг таъсир механизми ички ва ташқи коагуляцион гемостаз йўлини фаоллашуви билан боғлиқлиги, гипофибринемия шароитида фибриноген миқдорини ошириш бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 04 декабрдаги 124-сонли хулоса билан тасдиқланган «Оптимизация диагностики и лечения нарушений системы гемостаза при ожоговой болезни» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадаре филиали 18.05.2024 й. № 62-Т буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 28.05.2024 й. 1367-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тажриба ҳайвонларининг термик жароҳатларига Хемобен препаратини бирламчи тангенциал некрэктомия ва аутодермопластикадан сўнг қўллаш гемостазни тўлиқ таъминлаши, куйиш интоксикациясининг клиник белгилари тезроқ енгиллашиши ва тери чўлтоқларининг яхши реваскуляризациясига олиб келиши исботланган. Хемобенни беморларда эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, натижада куйиш касаллиги йўналишининг ўзгариши ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тиклаш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқариши исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: комбустиологиянинг клиник амалиётга ушбу препаратни киритиш терини термик шикастланишини хирургик даволаш самарадорлигини оширади, даволашнинг таннархини пасайтиради ва импорт ўрнини босувчи препарат ҳисобланади. Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратни яратилиши Республикада дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариш дастурини бажариш имконияти яратилиши ҳисбига беморларнинг тўшак кунига 2 баробарга қисқариши натижасида (1 кунлик тўшак кунга стационар преякуранти бўйича 125 000 минг сўмни ташкил қилади) бу ўз навбатида 1 бемор ҳисобига 1 кунда 125 000 сўм иқтисод қилиш самарадорлигини берган, шу билан бирга реабилитация сарф харажатларини ҳам камайтириб (1 кунга реабилитация учун ўртача 67 000 сўм дори воситалари ишлатилади). Хулоса: беморларда ҚДТҚ-синдроми ривожланишининг тезликда баҳолаш имкониятини берувчи асосий скрининг тестлар тўплами қуйидагилар:

тромбоцитларни санаш, протромбин вақти, АПТВ, тромбин вақти, фибриноген, АТ-III ва фибрин мономер. Ушбу скрининг тўплам куйиш касаллигининг салбий оқибатларини аниқлаш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Оғир куйган беморларда гемостаз системасининг бузилишига эрта хирургик даволаш тактикасининг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6123-сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик: тажриба ҳайвонларининг термик жароҳатларига Хемобен препаратини бирламчи тангенциал некрэктомия ва аутодермопластикадан сўнг қўллаш гемостазни тўлиқ таъминлаши, куйиш интоксикациясининг клиник белгилари тезроқ енгиллашиши ва тери чўлтоқларининг яхши реваскуляризациясига олиб келиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: термик травма билан жароҳатланганларда аутодермопластика пайти Хемобен гемостатик препаратини некрэктомиядан сўнг бир маротаба маҳаллий қўллаш мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 04 декабрдаги 124-сонли хулоса билан тасдиқланган «Оптимизация диагностики и лечения нарушений системы гемостаза при ожоговой болезни» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадаре филиали 18.05.2024 й. № 62-Т буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 28.05.2024 й. 1367-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: куйиш жароҳати таъсирида ўлганларда ҚДТК–синдромининг морфологик кўриниши кўпинча носпецифик плазмали коагуляция кўринишида ва ички аъзолар микроциркулятор оқимларида фибринли микротромбларни, айниқса буйраклар → ўпкалар → жигар → бош мия → меъда ости безида ҳосил бўлиши аниқланган, Хемобенни беморларда эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, натижада куйиш касаллиги йўналишининг ўзгариши ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқариши исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Хемобенни оғир куйиш жароҳатида эрта хирургик даволашни бошлаш имконини бериши ва уларнинг самарадорлиги ҳисобига операциядан кейинги асоратларни трансплантатлар лизиси хирургик некрэктомия ва Хемобен препаратини қўлланган гуруҳда – 11,6%, назорат гуруҳида 25,7% ҳолатда, яъни 2 баробар кам кузатилди ва бунинг натижасида 1 бемор ҳисобига 597690 сўмни тежаш ҳисобига сарф-харажатларни камайтиришга олиб келган. Хулоса: тажриба ҳайвонларида некрозга учраган тўқималарнинг бутунлай кўчиши 7-чи суткадан бошланади, жароҳатда бирозгина ифлосланиш мавжуд бўлганда эпителизация 14-чи суткадан сўнг бошланади. Хемобен препаратини

аутодермопластика пайти бирламчи тангенциал некрэктомиядан сўнг қўллаш гемостазни тўлиқ таъминлайди, куйиш интоксикациясининг клиник белгилари тезроқ енгиллашиши кузатилади ва тери чўлтоқларининг яхши реваскуляризациясига олиб келади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Оғир куйган беморларда гемостаз системасининг бузилишига эрта хирургик даволаш тактикасининг таъсири» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6123-сонли хат юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик: Хемобенни беморларда эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, натижада куйиш касаллиги йўналишининг ўзгариши ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқариши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Хемобенни қўллаш эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 04 декабрдаги 124-сонли хулоса билан тасдиқланган «Оптимизация диагностики и лечения нарушений системы гемостаза при ожоговой болезни» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадаре филиали 18.05.2024 й. № 62-Т буйруғи ва Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 28.05.2024 й. 1367-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Хемобенни беморларда эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, натижада куйиш касаллиги йўналишининг ўзгариши ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти, стационар даволанишнинг давомийлиги қисқариши ҳисобига беморларнинг тузалиши тезлашади, операциядан кейинги даврда асоратлар ва ногиронлик улушлари камаяди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратни яратилиши Республикада дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариш дастурини бажариш имкониятининг яратилиши ҳисобига ҳар 1 бемор ҳисобига 2 баробарга камайиши ҳисобига бюджет маблағларини ўртача ҳисобда 1 кунда 192 000 сўмни тежашга олиб келади. Хулоса: хемобенни қўллаш эрта некрэктомия билан бир вақтнинг ўзида ёки кечиктирилган аутодермопластикани амалга ошириш имконини беради, куйиш касаллиги йўналишини ўзгартириш ва унинг кечишини тўхтатиш учун қулайлик туғилади, тери қопламалари бутунлигини тикланиш вақти 5,3 кунга, стационар даволанишнинг давомийлиги 7,3 кунга қисқаради, инфекция асоратлар сони ва ўлим фоизи 2 баробар камайишига олиб келди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Оғир куйган беморларда гемостаз системасининг бузилишига эрта хирургик даволаш тактикасининг таъсири» мавзусида

илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 22-июндаги 6123-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 6 халқаро ва 6 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда, 2 услубий қўлланма нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ**

**Кириш қисми** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлигига, тадқиқот мақсад ва вазифалари асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Куйиш касаллигида гемостаз тизимига нисбатан ҳозирги замон қарашлар ва унинг куйиш жароҳатида дисбаланси (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида гемостазнинг қон ивиши ва ивишга қарши тизимлар, қон ивиш тизимининг куйиш жароҳатидаги дисбаланси, шунингдек катта майдонли куйишларни замонавий даволаш усуллари, аутодермопластика тўғрисидаги маълумотларга бағишланган.

Диссертациянинг «**Клиник ва экспериментал материаллар тафсифи ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда РШТЎИМ Самарқанд филиалининг комбустиология бўлимида даволанган тана юзасининг (т.ю.) 10% дан 45% гача чуқур куйиш олган 102 та беморларнинг маълумотлари ташкил этди. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун беморлар икки гуруҳга бўлинди.

Назорат гуруҳи беморларда – 47 беморда (46,1%) чуқур куйиш олган жабрланганларда гомеостаз коррекция қилиниб, композит полимер материалдан фойдаланилмаган ҳолда эрта жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Асосий гуруҳ беморларида – 55 беморда (53,9%) – гомеостаз коррекция қилиниб, операция вақтида Хемобен композит полимер материалдан фойдаланилган ҳолда эрта некрэктомия ва аутодермопластика қилиш операцияси ўтказилган.

## Жароҳат механизмига кўра тақсимланиши (n=102)


Жароҳат омили	Жами		1-чи гуруҳ		2-чи гуруҳ	
	n	%	n	%	n	%
Қайноқ сув	56	54,9	19	34,5	14	29,8
Ёнғин	29	28,4	11	20	9	19,1
Портлаш	7	6,8	9	16,4	7	14,9
Кийимнинг ёниши	10	10	16	29	17	36,2
Жами:	102	100,0	55	100	47	100

Изоҳ: \* - гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар фарқи ишончлилик даражаси ( $p > 0,05$ ).


Бунда эркеклар 59 (54,9%), аёллар 43 (42,1%) бўлиб, ёш оралиғи 18 дан 75 гача ташкил этди. Термик травмага олиб келган асосий этиологик омиллар: қайноқ сув (56; 54,9%), ёнғин (29; 28,4%), портлаш (7; 6,8%) ва кийимини ёниши (10; 10%) бўлган (1-жадвал).

Куйишлар энг кўп тана ва оёқ-қўлларда (32,5%), бош ва оёқ-қўлларда (27,2%), танада (14,6%) жойлашган. Беморларнинг 26 тасида (26%) ёнғин ва қайноқ сув таъсирида куйиш кўплаб жойлашувга эга бўлган. Терининг куйиши ва ингаляцион травма билан 28 (28%) беморда қўшилишиб келган. Ушбу беморларда куйиш шокининг оғир кечиши кузатилган. Гуруҳлар бўйича куйган жароҳатларнинг жойлашувида аҳамиятли фарқ кузатилмаган. 20% беморларда йўлдош касалликлар аниқланди, асосан қария ва кекса ёшдагиларда юрак-қон томир касалликлари (13%) кузатилди.

Шикастланган майдон А.В. Wallace (1951) томонидан таклиф этилиб умумқабул қилинган «тўққизлик» қоидаси ва «кафт» қоидасига (И.И. Глумов, 1953) риоя қилган ҳолда аниқланди, шикастланишлар чуқурлиги А.А. Вишневский ва бошқ. (1960) таклиф этган классификацияга мос равишда 4 даражада тафовут қилинди (1, 2-расмлар).



1-расм. "Тўққизликлар қоидаси" ва "Кафт қоидаси" усуллари А.В. Wallace (1951) бўйича куйиш майдонини аниқлаш.



2-расм. Зарарланиш чуқурлиги бўйича куйишлар таснифланиши (А.А. Вишневский ва бошқ., 1960).


**Франк индексига мос равишда беморларнинг гуруҳлар бўйича тақсимоги**

Франк индекси (шартли бирлик)	1-чи гуруҳ		2-чи гуруҳ		Жами	
	n	%	n	%	n	%
<30 бирлик., ижобий	9	19,1	8	14,5	17	16,7
31-60 бирлик., нисбатан ижобий	20	42,6	32	58,2	52	51
61-90 бирлик., шубҳали	14	29,8	12	21,8	26	25,5
>90 бирлик., салбий	4	8,5	3	5,5	7	6,8
Жами:	47	100	55	100	102	100,0

Изоҳ:  $p > 0,05$  солиштириш гуруҳлари статистик мослигини кўрсатади.

ҚДТҚ синдромини куйиш касаллигининг ўткир босқичида 8 та ўлганларнинг ички аъзоларида морфологик кўринишини ўргандик. Барча беморлар тириклигида ҚДТҚ-синдроми лаборатор усуллар ёрдамида аниқланган. Уларнинг ёшлари 18 дан 75 ёшгача бўлган, куйиш майдони тана юзасининг 25 дан 90% гача (ўртача  $64,6 \pm 4,8\%$ ) ташкил этган, травмадан сўнг ҳаётининг давомийлиги 1,5 дан 12 кунгача бўлган. Ўлимнинг асосий сабаби зотилжам, сепсис ва куйиш шоки бўлган.

Лаборатор ҳайвонларда куйиш жароҳатини моделлаштириш учун сувнинг ҳароратини тери билан контакт қилиб турган жойда назорат қилиш, таъсир вақтини аниқ фиксация қилиш, герметикликни сақлаш майдони ва даражаси бўйича ўхшаш бўлган куйиш жароҳатларини ҳосил қилиш имкониятини беради. 3-чи даражали куйиш  $9 \pm 1$  сек вақт ичидаги контакт ҳисобига эришилди.



**3-расм.** Лаборатор ҳайвонда куйиш жароҳатини моделлаштириш учун қурилма. Қурилма камераси: 1 – қайнаган сувни кўйиш учун тешик; 2 – трубка билан тўкиш тешиги; 3 – термометр; 4 – тери билан контактда бўладиган тешик, юпка резинали пленка билан ёпилган

**Целлюлозадан олинган композицион полимер материал (КПМ) ва унинг гемостатик хусусиятлари.** Биоэрийдиган порошок ва плёнка кўринишидаги гемостатик хусусияти билан полимер имплантант тиббиёт учун (хирургия) мўлжалланган. **Препаратнинг номи** - Целлюлоза ҳосилаларидан олинган «Нemoben» гемостатик препарати. Гемостатик хусусиятга эга биологик эрувчан полимерли имплантат.

**Тайёр маҳсулотнинг физик-химик характеристикаси:** Оқ ёки кулранг кўринишдаги кукун. Сув ва физиологик эритмада яхши эрийди. Эриш ҳарорати 220<sup>0</sup>С. рН 5-7 да барқарор. Ишқорий муҳитда тез гидролизланади, кислотали муҳитда эса барқарордир. Спецификацияси 3-жадвалда келтирилган.

3- жадвал

### КПМ спецификацияси

Кўрсаткичларининг номи	Норма
Ташқи кўриниши	Кукун
Ранги	Оқ рангдан то оч кулранг-гача
1% ли эритманинг рН водородли кўрсаткичи	6,5-7,0
Кукун заррачаларининг ўлчамлари	150-500мкм
Сувда эрувчанлиги, 1 соатдан ортиқ эмас	1 соат
Стериллиги	Стерил
Герметиклиги	Герметик

Таъсир этувчи моддаси:

- *Натрий карбоксиметилцеллюлоза* (целлюлозогликол кислотасининг натрийли тузи, СМС, Sodium Carboxymethyl cellulose) тозаланган);

- *Оксидланган целлюлоза кукун*( *вискоза*) ;

- *Кальций хлорид* ;

Полимер материалга нисбатан асосий тиббий талаблар кўйидагилар: ёпишқоқлик кучи, мустаҳкамлик, гемостатик актив бўлиши. Қиёсий текширишлар натижаларига кўра, ишлаб чиқилган Хемобен имплантати шунга ўхшаш имплантатларга кўйиладиган талабларга жавоб бериб, етарли даражада юқори мустаҳкамдир.

**Даволаш усуллари.** Куйган беморларни умумқабул қилинган комплекс патогенетик даволаш-инфузион-трансфузион терапия, антибиотиклар қилиш, гепарин, парҳезли овқатланиш, симптоматик терапия кабиларни ўз ичига олган. ҚДТҚ-синдроми билан беморларни асосий профилактик ва даволаш чоралари томиричи қон ивиши фаоллашувини чақирган омилларни бартараф этиш ҳисобланди (некроз ўчоғи, интоксикация, гипоксия, ацидоз, сув-электролит бузилишларини коррекциялаш, инфекция асоратларни даволаш). Гепаринни антитромботик таъсирини кучайтириш мақсадида дезагрегантлардан (курантил, пентоксифиллин), протеолиз ингибиторларидан (гордокс, контрикал) фойдаландик. Инфузион терпияни кристаллоид ва коллоид эритмалар ёрдамида ўтказдик, кўпинча аминокрахмал ҳосиласини кўлладик, чунки улар кучли дезагрегацион таъсирга эга ва гипокоагуляция ривожланишини чақирмайди.

**Оператив аралашувлар.** Некрэктомия операцияси (жами 102) ПИБ-IV даражали куйиш билан 102 (100%) беморда бажарилди, улардан эрта некрэктомия – 74, кечиктирилган – 37 беморда ўтказилди (4-жадвал). 2-чи гуруҳда 21 беморда кўплаб микроперфорациялар, 91 беморга эса некротомия амалга оширилган. 2-чи гуруҳда гемостазни коррекция қилиш билан биргаликда эрта некрэктомия 1,5 марта кўпроқ, кечиктирилган эса - 1,6 маротаба кам ўтказилган.

## Беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиёти

Операция турлари	I гуруҳ, n=47		II гуруҳ, n=55		Жами, n=102	
	n	%	n	%	n	%
Эрта некрэктомия	31	65,9	43	78,2	74	72,5
Кечиктирилган некрэктомия	16	34,1	12	21,8	28	27,4
Остеонекрэктомия	2	4,7	3	5,5	5	4,9
Ампутация, экзартикуляция	5	10,6	4	7,3	9	8,8
Аутодермопластика	73	155,4	81	147,3	154	150,1

**Тегишириш усуллари.** Гемостаз бузилишларини ўрганишда клиник, лаборатор, инструментал ва морфологик усуллардан фойдаланилди.

Диссертациянинг “**Хемобен гемостатик препаратини некрэктомия ва аутодермопластикада қўллашнинг қийсий натижалари**” деб номланувчи учинчи бобида биз зотсиз каламушларда иссиқ суюқлик ёрдамида чуқур термик куйишни моделлаштириш методикаси ишлаб чиқдик. Бизнинг тадқиқотимизнинг вазифаси самарадорли гемостаз билан биргаликда тери қийқими ва жароҳат юзасини адекват тарзда ёпишқоқлигини таъминлайдиган гемостатик плёнкани қўллаш ҳисобланди. Биз некрэктомиядан кейинги жароҳат ва тери трансплантини ҳар хил даражадаги тилинишидан кейин уларни ёпишқоқлигини текширдик. Тадқиқот экспериментал каламушларда дермопластика ўтказиш жараёнида некрэктомиядан кейинги жароҳат юзасида олиб борилди.

Экпериментни ўтказиш учун 32 та ҳайвон қатнашди. Экспериментал каламушлар 2 гуруҳга бўлиниб тадқиқот олиб борилди.

- 1 назорат гуруҳи ҳайвонларида некрэктомиядан кейинги жароҳат ва тери трансплантинини гемостатик Хемобен препаратисиз ўтказилди.

- 2 тадқиқот гуруҳи ҳайвонларида некрэктомиядан кейинги жароҳат ва тери трансплантинини гемостатик Хемобен препарати билан аутодермопластика қилиш тажрибаси ўтказилди.



4- расм. Яратилган модел бўйича куйиш жароҳатини шакллантириш.

Морфологик текшириш натижалари шуни кўрсатдики, куйишдан сўнги 3-чи суткада каламушлар орқасидаги терида  $2,7 \times 4,0$  смли ўлчамдаги овалсимон формадаги четлари нотекис жароҳат кузатилди (4-расм).




терапиянинг базавий ҳажми сифатида Паркланднинг маълум формуласи танландик.

Назорат гуруҳи беморларда – 47 беморда (46,1%) чуқур куйиш олган жабрланганларда гомеостаз коррекция қилиниб, композит полимер материалдан фойдаланилмаган ҳолда эрта жарроҳлик амалиёти ўтказилди.



7-расм. Бемор М. 44 ёш. Тананинг орқа, ўнг қўл, елка, бўйин соҳалари ШАБ даражали термик куйиши (оловдан).


Некрэктомия операцияси 47 (100%) беморда бажарилиб, улардан эрта некрэктомия – 31 беморда (7 суткада биринчи босқич), кечиктирилган – 16 та беморда бажарилди.



8-расм. Гуруҳларда трансплантатлар лизисининг қиёсий кўрсаткичлари .

Назорат гуруҳидаги беморларда тана юзасининг 5-10% гача чуқур куйишларида аутодермотрансплантлар лизисининг частотаси 4,2%, 11-15% чуқур куйишларда 8,5% ни, 16-20% ли чуқур куйишларда 10,6% ни, 20-30% ли чуқур куйишларда эса 12,7 % ни ташкил қилди (8-расм). Асосий гуруҳдаги беморларда тана юзасининг 5-10% гача чуқур куйишларида аутодермотрансплантлар лизисининг частотаси 1,2%, 11-15% чуқур куйишларда 2,7% ни, 16-20% ли чуқур куйишларда 4,9% ни, 20-30% ли чуқур куйишларда эса 5,7 % ни ташкил қилди.

Чуқур куйиш майдони ошиб бориши билан беморларда турли хил асоратлар частотаси кўпайиб борди. Бунда, асосий гуруҳда 5 та (9,1%) беморда пневмония, 3 та (5,4%) сепсис-синдром, 2та (3,6%) ОИТ ўткир яралари ва 2 та беморда (3,6%) тромботик асоратлар кузатилди.



9-расм. Гуруҳларда асоратлар частотаси.

Асоратлар назорат гуруҳида 39,1%, асосий гуруҳда эса 16,7% ҳолатда, яъни 2 баробар кам кузатилди (9-расм).

Оғир куйиш билан шикастланганларда гемостаз бузилиши ҚДТҚ-синдроми диагностикаси ва даволаш натижаларининг таҳлили баён этирилган. Айланаётган қон ҳажми (АҚХ) танқислиги бўйича беморларни стационарга ётқизиладиган пайтида биз куйиш шокиннинг 3 та даражасини тафовут қилдик. Аксарият беморларда (51,6%) бошланғич моҳиятга кўра 20 дан 30% гача АҚХ дефицити кузатилиб, у куйиш шокиннинг II-даражасига мос келди. 30,5% беморларда – I-даражаси, 17,9% – III-даражаси аниқланди. Тана юзасининг 20-25% чуқур куйиши билан беморлар клиникага мурожаат қилишганда қон ивиш тизимининг бироз фаоллашуви, гематокрит кўрсаткичини бироз камайиши ва қоннинг фибринолитик фаоллиги пасайиши кузатилади. II даражали шок билан клиникага мурожаат қилган беморларда қон ивиш тизимини кўчайганлиги, фибринолитик фаоликини жадал пасайиб бориши аниқланди.

Ўткир токсемия босқичида оғир куйиш билан 59 беморда биз гемостаз системаси ҳолатини текширишдан ўтказдик (5-жадвал).

Куйиш токсемияси босқичида ҚДТҚ-синдромининг ривожланиши кўйидаги кўринишларда намоён бўлади: тромбоцитопения, гипофибринемия, лахтани тезлашган эриши фонида АТ-III пасайиши, ЭФМК микдорининг ошиши кузатилди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар асосан тана юзасининг 30% дан ортиқ чуқур куйган оғир даражали куйиш шоки бўлган беморларда ҳам кузатилди. Аммо, уларда йўқотилган плазма ҳажмининг юқорилиги сабабли анча чуқур характерга эга бўлди. Қон ивиш тизимини кучсиз ривожланган кучайиши кузатилди (гепаринга нисбатан толерантлик  $253,4 \pm 21,3$  сек ташкил қилди, тромботест -  $4,06 \pm 0,2$  даража), ПТИ эса  $87,6 \pm 3,1\%$  гача пасайди ( $P < 0,05$ ). Шу билан бирга фибринолитик фаоллик кўрсаткичи  $6,58 \pm 0,69\%$  ни ( $P < 0,05$ ) ташкил этди, гематокритни эса критик пасайиши ( $19,1 \pm 2,1\%$  гача,  $P < 0,05$ ) кузатилди.

### 5- жадвал

#### Ўткир куйишнинг токсемия босқичида ўткир ҚДТҚ ни лаборатор диагностикаси

Кўрсаткичлар	Норма	Куйишдан сўнги ўткир токсемия, n=59	
		4-5 кунлар	6-12 кунлар
Қонни Ли-Уайт бўйича ивиш вақти, мин	5-12	$7,8 \pm 0,3$	$8,7 \pm 0,8$
Лахтанинг спонтанли лизис тести	N	Тезлашган	Тезлашган
Тест-тромбин, сек	7-11	$16,4 \pm 0,1$	$17,8 \pm 0,3$
Тромбоцитлар сони, $\times 10^9/\text{л}$	175-425	$100,0 \pm 7,0$	$105,0 \pm 8,5$
АПТВ индекси, сет	0,8-1,2	$1,5 \pm 0,01$	$1,45 \pm 0,01$
Халқаро мувофиқлаштирувчи муносабат (ХММ)	0,7-1,1	$1,6 \pm 0,01$	$1,5 \pm 0,01$
Фибриноген концентрацияси, г/л	2-4	$1,8 \pm 0,1$	$1,75 \pm 0,1$
Тромбин вақти, сек	24-34	$47,5 \pm 0,1$	$46,5 \pm 0,1$
АТ III, %	80-100	$65 \pm 1,0$	$68 \pm 1,0$
ЭФМК, мг/л	0-35	$185,0 \pm 9,3$	$192,4 \pm 10,3$
Плазминоген, в %	100-105	$80,8 \pm 4,5$	$92,5 \pm 5,2$

Изоҳ: АПТВ – активлаштирилган парциал тромбопластин вақти; ХММ беморнинг протромбин вақти донорнинг протромбин вақти; АТ III – антитромбин III; ЭФМК – эрийдиган фибрин-мономер комплекслари.

